

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ВА «ИЛМИЙ-ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН  
ЖАМИЯТ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**КОЛЕСНИКОВ ИГОР КОНСТАНТИНОВИЧ**

**ЯГОНА ЭЛЕКТРОМАГНИТ МАЙДОНИ АСОСИДА  
ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА НАЗАРИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**05.05.01-Энергетика тизимлари ва мажмуалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2020**

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of Doctoral (DSc) dissertation

**Колесников Игор Константинович**

Ягона электромагнит майдони асосида энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва назариясини ривожлантириш..... 3

**Колесников Игорь Константинович**

Развитие теории и разработка энергосберегающих технологий на основе единого электромагнитного поля..... 27

**Kolesnikov Igor Konstantinovich**

The development of theory and the development of energy-saving technologies based on a single electromagnetic field..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ВА «ИЛМИЙ-ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН  
ЖАМИЯТ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**КОЛЕСНИКОВ ИГОР КОНСТАНТИНОВИЧ**

**ЯГОНА ЭЛЕКТРОМАГНИТ МАЙДОНИ АСОСИДА  
ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА НАЗАРИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**05.05.01-Энергетика тизимлари ва мажмуалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2020**

**Фан доктори (DSc) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/T308 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tgtu.uz](http://www.tgtu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Аллаев Кахрамон Рахимович**  
техника фанлари доктори, профессор, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Бабабажанов Максуд Каландарович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Соколов Валерий Константинович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Коровкин Николай Владимирович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

---

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ва «Илмий-техника маркази» МЧЖ ҳузуридаги DSc 27.06.2017.Т.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел. (99871) 246-46-00; факс (99871) 227-10-32, e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси 2-уй. Тел. (99871) 227-03-41)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилган  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Р.А. Захидов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раис ўринбосари,  
т.ф.д., профессор, академик

**Н.Б. Пирматов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
т.ф.д., профессор

**М.И. Ибадуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда, электр энергия билан таъминлашнинг ишончлилиги масалалари муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда, бу биринчи навбатда электр манбалари ва қўлланиладиган электр ускуналарининг ҳолатлари билан аниқланиб, шунга мувофиқ равишда энергетик самарадорлик ортади ҳамда энергетик ресурсларнинг асосий кўрсаткичлари яхшиланади. Шу жиҳатдан, ҳозирда табиий газни ёқиш, электр кўмирли ва қувурли электр иситгичлар асосида иссиқлик олувчи усул ва технологияларнинг ривожлантиришга асосий эътибор қаратилмоқда. Ушбу қурилмаларнинг ишлаш ишончлилиги, асосан энергия ташувчиларнинг ўз вақтида етказилиши билан боғлиқдир. Шу билан бирга, иссиқлик энергиясининг муқобил манбалари: шамол генераторлари, қуёш панеллари, ядровий манбалари, хусусан, кавитацион иссиқлик генераторларининг назарияси ва уларни ишлаб чиқариш усуллари такомиллаштирилмоқда.

Жаҳонда, иссиқлик манбаларининг вазифасини бажарувчи электр энергия, табиий газ ва кўмирни ёқишдаги йўқотишларни аниқлаш, хизмат қилиш вақтини узайтириш ва фойдали иш коэффициентини ошириш, уларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш, шунингдек энергия тежамкор қурилмалари, шу жумладан, кавитацион иссиқлик генераторларининг назарий усуллари ва уларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларига йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишдаги ишлар, жумладан иссиқлик қурилмаларининг хизмат қилиш муддатига таъсир кўрсатадиган асосий омилларни аниқлаш, улардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш, иссиқлик энергиясини ҳосил қилувчи мавжуд технологияларни такомиллаштириш ҳамда энергия ва ресурс тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида истеъмолчиларни узлуксиз ва сифатли иссиқлик билан таъминлашга, шу жумладан энергетика соҳасидаги ва саноат корхоналарида электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, шунингдек энергия ҳамда ресурс тежовчи техника ва технологияларни яратиш ва уларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “... иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сиғимларини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун, хусусан, юқори фойдали иш коэффициентга эга, кавитацион иссиқлик генераторларининг ресурс ва энергияни тежаш технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек иссиқлик энергетикасида электр энергияни ва табиий ресурсларни

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

истеъмолини камайтирувчи кавитация жараёнларининг назариялари ва услубияти устувор ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238-сон «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчан энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги» Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005-сон «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ва ресурс тежамкор технологиялар ва инновацияларни кенг кўламда жорий қилиш» Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бўлган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг II «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Кавитацияга асосланган қурилмаларни ишлаб чиқиш ва яратишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи олий ўқув юртлири ва илмий марказлари, жумладан Mississippi State University (АҚШ), University of Stuttgart (Германия), University of Zilina (Словакия), South China University of Technology (Хитой), National Institute Technology (Ҳиндистон), Қозон давлат энергетика университети (Россия), Томск политехника университети (Россия), Москва энергетика институти (Россия), “Техносервис-Электро” ИИЧБ (Россия), «Молекуляр технологиялар маркази» МЧЖ, “ЗПЗ – Сервис” ИТМ (Украина) ва “Эпром инжиниринг” ИИЧК (Украина) ва Тошкент темир йўл муҳандислари институти (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Иссиқлик таъминоти манбаларини ишлаб чиқиш ҳамда сувни тозалаш ва зарарсизлантириш усуллариини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар натижасида, шу жумладан: кавитацион уюрма иссиқлик генераторлари, сувни тозалаш ва зарарсизлантириш қурилмалари бўйича илмий натижалар (Ҳиндистон, Россия, Ўзбекистон, АҚШ, Германия, Хитой) олинган.

Жаҳонда кавитацион уюрма иссиқлик генераторлари, сувни тозалаш ва зарарсизлантириш қурилмалари бўйича: уйларни ва ҳовли олди участкаларини иссиқлик билан таъминлаш учун кавитация асосидаги қурилмалар, кавитация жараёнларини бошқариш учун замонавий технологиялар асосида

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларнинг шарҳида манбалардан фойдаланилди: <http://www.ejta.org/en/ashokkumar1>, <http://bulletin-bsu.com/arch/2012/3/1-1/>, <https://www.omicsonline.org/ArchiveJCEPT/chemical-engineering-2018-proceedings-posters-accepted-abstracts.php>

частота қиймати ва импульслар давомийлигини бошқариш ҳамда ўзгартириш тизимларини ишлаб чиқиш йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иссиқлик тизимлари ва уларда ишлатиладиган энергия тежайдиган технологияларнинг ишлашига таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича илмий муаммоларни ҳал қилишда қуйидаги хорижий олимлар J.L. Griggs, W.W. Thomson, R.K. Neiderjohn, G.G. Sanmann, V.V. Tichy, F.F. Huges, P.A. Липштейн, Ю.А. Жулай, И.В. Брай, Б.В. Лосиков, И.С. Аптов, Л.О. Маневич, Б.П. Бурьянов, В.В. Иванов, А.С. Курочкин, И.М. Богачков, Ю.С. Потапов, Ю.П. Рассадкин, Б.Г. Кипелов, Е.А.Коваль, Л.П.Фоминский, А.П. Долин, Д.В. Шуварин ва бошқалар улкан ҳисса қўшганлар.

Ўзбекистонда энергия ва ресурс тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар қуйидаги олимлар: Д.А. Абдулаев, Р.А. Зоҳидов, Т.Х. Носиров, К.Р. Аллаев, М.И. Ибадуллаев, Н.М. Арипов, Х.М. Муратов, Ф.А. Хошимов, Т.П. Салихов, Ф.М. Мусабеков, М.К. Бобожонов, З.С. Искандеров, А.А. Халиков, С.Ф. Амиров, Д.Ф. Хамраев ва бошқалар томонидан ўтказилмоқда.

Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра энергия ва ресурсларни тежовчи қурилмаларнинг технологияси ишлаб чиқилган, иссиқлик тизимларидаги энергия йўқотишлар аниқланган ва баҳоланган. Шу билан бирга, ушбу тадқиқотларда кавитация усули орқали, экологик муҳитни бузмасдан электр энергиясини кам сарфи билан уй хоналарини ва иссиқхоналарни иситиш учун арзон иссиқлик генераторларнинг турларини яратиш мақсадида иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш, сувни тозалаш ва зарарсизлантириш бўйича мавжуд технологияларни такомиллаштириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур ишда ягона электр магнит майдони асосида энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва назариясини ривожлантириш муҳим вазифалар ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент темир йўл муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №84 «Кавитация иссиқлик генераторини яратишда ягона фазовий майдоннинг қўлланилиши» мавзуси ҳамда ТошДАУ ва «ECO AGRO INDUSTRIUS NOU HAU» МЧЖ ларнинг грант режаларидаги АИФ№2/1 «Кавитация жараёнлари асосида сувни зарарсизлантириш ва тозалаш учун электр магнит қурилмаси учун инновацион жиҳозлар тайёрлаш» ва АИФ№2/2 «Кавитация генератори учун инновацион жиҳозлар тайёрлаш» мавзулари бўйича лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ягона электр магнит майдонда, сувни тозалаш ва зарарсизлантиришда кавитацион иссиқлик генераторнинг ресурс ва энергия сақловчи қурилмаларини ишлаб чиқиш ва назарий асосларини ривожлантиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ягона электр магнит майдоннинг назарий асослари ҳамда методологиясини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш;

суяқлик оқими, иссиқлик ўтказувчанлиги, айланаётган электр магнит майдон ҳамда кавитация жараёнларининг математик моделларини ишлаб чиқиш;

ягона электр магнит майдон асосида иссиқлик энергиясини олиш усулларини ишлаб чиқиш;

кавитацион уюрмали иссиқлик генератори, сувни тозалаш ва зарарсизлантириш қурилмалари ҳамда уларни микропроцессорли бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш;

кавитацион иссиқлик генератори ҳамда Ер энергияси асосида уйлар ва йўловчи поездлар вагонларининг иситиш тизимлари, фермер хўжаликлари учун инновацион технологияларни яратиш;

кавитацияга асосланган қурилмаларни яратиш ва жорий этиш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида иссиқлик таъминоти тизимлари, шунингдек, ягона электр магнит майдон асосида ҳосил бўладиган тозалаш ва генерациялаш жараёни таъсиридаги ичимлик суви олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ягона электр магнит майдон асосида иситиш учун иссиқлик генераторларини яратиш, ичимлик сувини тозалаш ва зарарсизлантиришнинг ресурс ва энергия тежовчи технологияларининг назарияси ва амалиётини ривожлантиришни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида замонавий инструментал ва аналитик усуллар, электр магнит майдонлар назарияси ва ишлаб чиқилган қурилмаларнинг хусусиятларини ўрганиш учун экспериментал усуллар, гидродинамик жараёнлар назарияси, математик моделлаштириш, айланиш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда нисбийлик назарияси усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйдагилардан иборат:

иссиқлик генераторларини лойиҳалаштириш учун Максвелл тенгламалар тизимлари асосида материал жисмларнинг кучли ўзаро ҳаракатидаги ягона электр магнит майдонининг назарияси ишлаб чиқилган;

суяқлик оқими, иссиқлик ўтказувчанлиги, электр магнит майдон айланиши, иссиқлик генераторида иссиқлик ажралиши жараёнларининг математик моделлари орқали кавитацион жараёнлар технологияси ишлаб чиқилган;

бактерия ва микроорганизмларни сифатли йўқ қилувчи тавсифга эга бўлган ҳамда кавитация асосида сувни зарарсизлантириш ва тозаловчи янги қурилма ишлаб чиқилган;

юқори фойдали иш коэффициентига эга бўлган ҳамда электр магнит майдони асосида айланма кавитация иссиқлик генератор қурилмаси ишлаб чиқилган;

катта ва кичик турар жой биноларини иситиш учун иссиқлик энергиясини олиш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйдагилардан иборат:

ичимлик сувига электр магнит майдонлар таъсир ўтказганда кавитация жараёнларининг пайдо бўлиши исботланган;



иссиқлик тарқатиш, сувни тозалаш ва зарарсизлантириш жараёнларини автоматлаштирилган назорати учун янги микропроцессорли паст частотали техникага асосланган кавитацион қурилмаларнинг бошқариш схемаси ишлаб чиқилган;

кавитация қурилмаларининг кўрсаткичларини ўзгартириш учун замонавий юқори частотали электрон базага асосланган иссиқлик генераторлари, сувни тозалаш ва зарарсизлантириш учун бошқариш тизимлари ишлаб чиқилган;

иситиш тизимлари, сувни тозалаш ва зарарсизлантиришда фойдаланиш учун кавитацияга асосланган қурилмаларни яратиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Замонавий математик моделлаштириш назариясининг исботланган усулларида фойдаланган ҳолда ягона электр магнит майдон назарияси асосида кавитация жараёнларини автоматлаштирилган бошқаришнинг назарий жиҳатдан асосланган концепцияларини қўллаш, шунингдек, назарий қарашларнинг амалий натижалари ва уларнинг ўзаро мос келишини таъминлаш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иссиқлик ўтказувчанлик ва суюқлик оқишидаги кавитация жараёнларининг муаммоларини самарали ечишга имкон берадиган барча ўзаро таъсирларнинг ягона электр магнит майдони тенгламаларини, шунингдек, иссиқлик жараёнлари билан боғлиқ кавитацион қурилмаларнинг хусусиятларини аниқлаш усуллари ва моделлаштиришнинг математик асосларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қурилмаларнинг тавсифларини таҳлил қилиш ва ўзгартириш имкон берадиган дастурий мажмуалар кўринишидаги кавитацион қурилмаларини автоматлаштирилган бошқаришнинг инструментал воситаларини, шунингдек, ичимлик сувини юқори сифатли тозалаш ва зарарсизлантириш қурилмаларини ишлаб чиқиш ҳамда турли соҳаларда фойдаланиш учун ресурс ва энергия тежамкор манбаларни яратиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ягона электр магнит майдони асосида энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва назариясини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бактерия ва микроорганизмларни сифатли йўқ қилувчи тавсифга эга бўлган ҳамда кавитация асосида сувни зарарсизлантириш ва тозаловчи янги қурилма «ECO AGRO INDUSTRIUX NOU HAU» МЧЖга балиқ хўжалигидаги сув ҳовузларини тозалаш учун жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 8 ноябрдаги 03/23-1684-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида балиқ хўжалигининг сув ҳовузларида экологик тоза сув билан таъминлаш ва балиқларини озиқлантириш имконини яратган;

электр магнит майдони асосида айланма кавитация иссиқлик генератор қурилмаси «ECO AGRO INDUSTRIUX NOU HAU» МЧЖга балиқ хўжаликларидаги сув ҳовзаларидаги катта ва кичик хоналарни иситиш учун

жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 8 ноябрдаги 03/23-1684-сон маълумотномаси). Натижада майда балиқлар сув ҳовзалар ҳароратини бир меъёрда ушлаб туриш ҳамда бир соатда 1-7 кВтли кичик электр энергия қувватларини сарфлаш имконини берган;

суюқлик оқими, иссиқлик ўтказувчанлиги, электр магнит майдон айланиши, иссиқлик генераторида иссиқлик ажралиши жараёнларининг математик моделлари орқали кавитацион жараёнлар технологияси «ЕСО АГРО ИНДАСТРИУХ НОУ НАУ» МЧЖга балиқ хўжалигида катта ва кичик биноларни иситиш учун жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 8 ноябрдаги 03/23-1684-сон маълумотномаси). Натижада бошқариш қурилмасининг 10-30 мс импульс узунлиги, 5 Гцдан 30 кГцгача частотали параметрлари орқали хоналардаги намгарчилик ва доимий ҳароратни таъминлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари, 11 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 40 илмий мақолалар, шу жумладан 1 та монография, Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда 22 та мақола, жумладан чет эл журналларида 2 та мақола, бундан ташқари халқаро ва республика журналларида 5 та мақола чоп этилган, ҳамда ЭХМ дастурига 1 та гувоҳнома мавжуд.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 192 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида муаммони ҳал этишнинг муҳимлиги ва диссертацияда ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси илм ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ягона электр магнит майдон таъсири остида сувда содир бўладиган жараёнлар назариясининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида ягона электр магнит майдон барча ўзаро таъсирга эга майдонлар гравитацион, электр ҳамда кучли ва кучсиз майдонларнинг умумий таъсиридан иборатлиги исботланган.

Олинган тенгламалар Максвеллнинг умумлашган электр магнит майдон тенгламалари кўринишига эга.

$$\begin{aligned} \text{rotrot}\bar{E}_{\text{полн}} &= \text{graddi}\vartheta\bar{E}_{\text{полн}} - \Delta\bar{E}_{\text{полн}} = -\sqrt{\varepsilon_0\mu_0} \frac{\partial^2\bar{E}_{\text{полн}}}{\partial t^2} = -\frac{1}{c^2} \frac{\partial^2\bar{E}_{\text{полн}}}{\partial t^2}; \\ \text{rotrot}\bar{A}_{\text{полн}} &= \text{graddi}\vartheta\bar{A}_{\text{полн}} - \Delta\bar{A}_{\text{полн}} = -\sqrt{\varepsilon_0\mu_0} \frac{\partial^2\bar{A}_{\text{полн}}}{\partial t^2} = -\frac{1}{c^2} \frac{\partial^2\bar{A}_{\text{полн}}}{\partial t^2}, \end{aligned} \quad (1)$$

бу ерда  $A_{\text{тўлик}}$  – кучли майдоннинг вектор потенциали;

$c = \frac{1}{\sqrt{\varepsilon_0\mu_0}} = 3 * 10^8 \text{ м/с}$  – ягона

электр магнит майдонининг тарқатиш тезлиги.

Ушбу тенгламалар, уларни туташмаган тоқлар ва айрим зарядлар учун, шунингдек, майдонларни (векторли ва скалярли) ҳар хил турлари учун, чекловсиз қўллаш имкониятини беради.

Ягона электр магнит майдон назарияси нуктаи назаридан, электрон тузилмаси халқа ўққача  $R_1$  радиусли ва ўзининг кўндаланг кесими  $R_2$  радиусли (1- ва 2-расмлар) тор кўринишидаги модел ҳисобланади.


Электр магнит майдони  $\omega_1$  тезлик билан тор атрофида, марказ ўқида эса  $\omega_2$  тезлик билан айланади, унда  $\omega_2 = 6\omega_1$  бўлади.

Ташқи таъсирлар натижасида тороидал юзасининг айланасида тормозланиш ҳосил бўлиши ҳисобига сувнинг тузилмаси ўзгаради.


Ягона электр магнит майдонининг таъсири остида сувда магнитогидродинамик жараёнларнинг тезлигининг ўзгариши қуйидаги тенглама асосида аниқланади:

$$\eta \frac{\partial^2 v_z}{\partial x^2} - \gamma B_x^2 v_z = \frac{\delta p}{\delta z} + \gamma E_y B_x = -\gamma B_x^2 v_z. \quad (2)$$

Чегаравий шартларни инобатга олган ҳолда, қуйидаги (3) тенглама ечим ҳисобланади



1-расм. Электроннинг тороидал модули




- 1 – электр магнит майдонининг тори;
- 2 – электр магнит майдонининг айланаси;
- 3 – торнинг халқали ўқи; 4 – марказий ўқ;
- 5 – ягона электр магнит майдонини кўндаланг ташкил қилувчилар; 6 – майдонларни бўйлама ташкил қилувчилар;

2-расм. Электроннинг электр магнит модули

$$g_z(x) = g_0 \left(1 - \frac{ch \frac{d_0}{d} x}{ch d_0}\right). \quad (3)$$

3-расмда тезликни ўзгариш графиги тасвирланган.

Бизга маълумки, ҳар қандай ҳаракатланаётган зарядлар уярма, электр ва электр магнит майдон ҳосил қилади. Айланаётган электр магнит майдони



3-расм. Масофага боғлиқ холда, қувурдаги сувнинг оқими бўйлаб тезликни ўзгариши

босим ҳосил бўлиши ҳисобига кавитацион жараёнларни келтириб чиқаради:

$P = J/\vartheta(1 + R) \cos^2 \varphi$ , (4)  
бу ерда:  $J$  – электр магнит майдонининг жадаллиги,  $\vartheta$  – тезлик,  $\varphi$  – тушиш бурчаги,  $R$  – аксланиш коэффициентини.

Ягона электр магнит майдон таъсири остида сувдаги квантларнинг тушиши ва ютилишини тушунтириб бериш, ташқи майдонларнинг сув тузилмасига таъсирини

исботлаш, шунингдек иссиқлик энергиясини олишнинг асоси ҳисобланган тебраниш жараёнларининг турларини аниқлаш имконини берди.


**«Кавитация жараёнларни тадқиқ қилиш ва уларнинг сув тузилмасига таъсири»** деб номланган иккинчи бобда, сувнинг босими тўйинган буғ босимидан паст бўлганида кавитация ҳосил бўлиши исботланган. Бу ҳолат суюқликнинг оқиш тезлиги ўзгарганида, қуврларнинг кесими турлича ва диафрагма мавжуд бўлганда ҳамда сувни томчилаб пуркаш натижасида ҳосил бўлади. Сувнинг катта тезликда ҳаракатланиши гидродинамик кавитацияни ҳосил қилади. Юқори интенсивликга эга товуш тўлқинларининг таъсири остида акустик кавитация пайдо булади. Электр магнит майдони таъсирида пайдо бўлган кавитация, сунъий ёки электр магнит кавитация деб аталади. 4-расмда маҳаллий торайишга эга найча ва каверн пуффакчаларининг пайдо бўлиш кавитация зонаси кўрсатилган.

Суюқлик оқимнинг тезлиги паст бўлган ҳолатда пуффакчалар ичидаги босимнинг катталиги  $p_k > p_n$  кўринишида бўлади, шунинг сабабли кавернларни кучли ривожланиши учун шароитлар яратилади.

Оқиш кавитация режимида генерацияланувчи энергия қуйидаги кўринишга эга:

$$E = k * (P - P_{НП}) * (R^3 - R_0^3), \quad (5)$$

бу ерда:  $k$  – пропорционал коэффициент,  $P$  ва  $P_{НП}$  – пуффакчаларнинг ёрилиш зонасидаги ҳамда тўйинган буғнинг босими;  $R$  ва  $R_0$  – кавитацион пуффакчанинг максимал ҳамда ёрилиш пайтидаги радиуси.




**4-расм. Қувурдаги кавитацион зона, каверн ва пуфакчаларни ҳосил қилиш**

$\vartheta_0$  – ягона майдоннинг таъсиригача қувурдаги суёқликнинг ўртача тезлиги;  $\vartheta_1$  – ягона майдоннинг таъсиридан сўнг қувурдаги суёқликнинг ўртача тезлиги;  $c$  – тўлқин тезлиги.

Кучли электр майдон таъсири остида сувнинг диэлектрик ўтказувчанлиги ўзгаради.

Бу ўзгариш сувнинг тузилмасини бузилиши ва унинг майдон таъсири остида деформацияланиши ҳисобига амалга ошади.

5-расмда ташқи электр майдон таъсирида сувнинг диэлектрик сингувчанлигининг кўрсатилган.



**5-расм. Ташқи майдон таъсирида сувнинг диэлектрик сингувчанлигининг ўзгариши.**

Каверн парчаланган пайтидаги ажралиб чиқаётган иссиқлик энергия, қуйидагича аниқланади:

$$E = (P - P_H)V_K + \rho V_K r + \sigma S_K, \quad (7)$$

Кавитацияни яратиш учун сарфлаш лозим бўлган энергияни қуйидагича аниқлаш мумкин

$$E_0 = 4\pi r^2 \sigma + \frac{4}{3\pi r^3 (P_0 + P_H)}. \quad (8)$$

Кавитацион пуфакчани ёрилиши учун сарфланадиган энергия:

$$E_c = \frac{4}{3\pi P (r_{max}^3 - r_{min}^3)} \approx \frac{4}{3\pi P r_{max}^3}. \quad (9)$$

6-расмда босим ўзгарган пайтдаги  $E_c/E_0$  муносабат кўрсатилган.

Ягона электр магнит майдони кавитацион пуфакчаларга зарбали тўлқин каби таъсир қилади.

Берилган тезликдаги босимнинг ошиши Н.Е. Жуковскийнинг ифодаси билан аниқланади:


$$\Delta P = \rho(\vartheta_0 - \vartheta_1)c, \quad (6)$$

бу ерда:  $\Delta P$  – босимнинг ошиши (Па);  $\rho$  – суёқликнинг зичлиги ( $\text{кг/м}^3$ );


6-расмда кўринадикки ёпиқ пуфакча энергиясини босимга боғлиқ бўлган куйилтирилган буғ билан тўлдирилган энергиясига муносабати, тўғри чизикли қонуният бўйича ўзгаради.

7-расмда  $E_c/E_0$  муносабатни ҳароратга боғлиқлиги кўрсатилган.

7-расмдан келиб чиққан ҳолда ҳароратига  $100^\circ\text{C}$  етган пайтида ушбу энергиялар муносабати бирга тенг. Энергияни ҳароратга нисбатан ўзгариши экспоненциал қонуният бўйича амалга ошади.



6-расм. Босим ўзгаришига боғлиқ ҳолда  $E_c/E_0$  муносабати




7-расм. Ҳароратни ўзгаришидан  $E_c/E_0$  муносабати

Кавитация пайтида ҳароратни босимга боғлиқлиги 8-расмда кўрсатилган.


Молекулалар орасидаги ўзаро таъсирини кучайтирувчи қўшимча энергия:

$$\Delta U = \{e^2 / [4R_{OH} \sin^3(\varphi_0/2)]\} [2\sin^3(\varphi_0/2)3 \sin^2(\varphi_0/2) + 1] + (2\alpha e / R_{OH}^2) S(R_0) E \cos(\varphi_0/2) + \alpha E^2 / 2. \quad (10)$$

9-расмда ўзаро молекуляр алоқалар энергиясига ташқи майдоннинг таъсири берилган.




8-расм. Кавитация пайтида ҳароратни босимга боғлиқлиги




9-расм. Ўзаро молекуляр алоқалар энергиясига ташқи майдоннинг таъсири

Майдоннинг кучланиш  $E=10^5 \div 10^6$  В/см га тенг бўлган пайтдаги ўзаро молекуляр алоқалар энергияси унча катта эмас ва у  $\Delta G=0,023 \div 0,23$  кДж/мольга га тенгдир.

Ташқи электр майдон сув молекулалари қуйидаги тавсифларни ўзгартиради:  $O - H$  алоқанинг ўртача узунлиги, алоқалар орасидаги бурчак ва дипол momenti. 10-, 11- ва 12-расмларда ташқи электр майдон таъсирида сув кўрсаткичларининг ўзгариши берилган.



10-расм.  $E$  га боғлиқ холда алоқа узунлигини ўзгариши



11-расм.  $E$  га боғлиқ холда қутбли бурчакни ўзгариши

Яхши ўтказувчанлик муҳитда ( $\gamma \gg \omega \epsilon \epsilon_0$ ) скаляр шаклидаги кучланиш вектори учун ушбу тенглик ўринлидир:


$$\nabla^2 E_{\text{полн}} = \mu \mu_0 \gamma \frac{\partial E_{\text{полн}}}{\partial t} . \quad (11)$$

Ушбу тенглик диффузия ёки иссиқликни тарқатиш тенгламасини билдиради. Иссиқлик жараёнларининг тарқалиш тенгламаси:

$$\nabla^2 n = \frac{1}{\gamma} \partial n / \partial t . \quad (12)$$

Кучланиш  $E$  нинг ўсиши билан кислород – водород алоқа узунлиги ортади ва  $E = 10^9$  В/см бўлган пайтда эса молекула парчаланadi. Алоқалар орасидаги қутб бурчагининг камайиши молекуланинг кучли қутбланишини ва протонлар орасидаги электрон концентрациясини ортишини англатади.

Сув молекулаларининг дипол momenti ташқи майдон кучланишнинг ортиши билан ортади.



12-расм.  $E$  га боғлиқ бўлган дипол momentининг ўзгариши

Иссиқлик тенгламаларини ягона электр магнит майдони тенгламалари билан таққослаб, қуйидаги хулосага келишимиз мумкин, яъни улар ёрдамида ҳароратни тарқалиш жараёнларини ёққол тасаввур қилиш мумкин.

**«Кавитацион қурилмаларини бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш муаммолари ва уларни математик моделлаштириш»** деб номланган учинчи бобда кавитацион қурилмаларни бошқариш тизимлари ишлаб чиқилган. Ушбу бошқариш тизимлари паст - 6 дан 25 Гц ва юқори - 10 дан 60Гц гача бўлган частоталар диапазонида ишлаши лозим. Ишлаб чиқилган бошқариш тизими, кичик ўлчамлиги, ишидаги ишончилиги ва юқори кучланиш керак эмаслиги талабларга жавоб бериш лозим.

13-расмда бошқариш тизими ҳамда сувни тозалаш ва зарарсизлантириш ўзгартиргичининг кўринишлари берилган. Бошқариш қурилмаларида C++ Builder 6 дастури қўлланилган. Кавитацион жараёнларни рақамли моделлари яратилган.

Бир фазали тизим учун турбулентлик фақат сув учун ҳисобланади. Рақамли моделлар асосида пуфакчанинг динамик тенгламаси олинган:

$$\frac{dR}{dt} = \sqrt{\frac{2}{3} \left( \frac{p_H - p}{\rho} \right)}. \quad (13)$$

Соддалаштирилган тенглама (13) учта моделни аниқлаш имконини беради: Singhal модели, Zwart-Gerber-Belamri модели, Schnerr-Sauer модели. Singhal модели фазалар оралиғидаги ўтказувчанликни аниқлайди. Ўхшашликни ошириш мақсадида буғ учун тенглама такомиллаштирилди. Буғни ўтказиш, ҳажмий концентрацияга боғлиқ ҳолда математик статистика ва кавитация пуфакчаларининг сони билан аниқлаш орқали амалга оширилади:

$$\alpha = \frac{n^* \pi R_0^3}{1 + n^* \pi R_0^3}. \quad (14)$$



13-расм. Ўзгарткич ва бошқариш тизимининг кўриниши



Schnerr–Sauer модел жараёнининг тенгламаси куйидагича бўлади, агар  $p < p_H$ , унда

$$m_e = \frac{\rho_{var}\rho_1}{\rho} \alpha(1 - \alpha) \frac{3}{R_0} \sqrt{\frac{2}{3} \frac{p_H - p}{\rho_1}},$$

агар  $p > p_H$

$$m_c = \frac{\rho_{var}\rho_1}{\rho} \alpha(1 - \alpha) \frac{3}{R_0} \sqrt{\frac{2}{3} \frac{p - p_H}{\rho_1}}. \quad (15)$$

Гидродинамик кўп фазали оқимларнинг моделлаш «ANSYS CFX» дастурида амалга оширилган. Рақамли моделлаш жараёнида уюрмали камерадаги суюқлик харакатининг тавсифлари олинган. 14-расмда вақтга нисбатан статик босимнинг ўзгариши кўрсатилган.

Электр магнит, иссиқлик ва бошқа майдонларни таҳлил қилиш учун ELCUT дастури қўлланилган.

Иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси физик моделда ечилган:


$$\frac{\partial}{\partial x} \left( \lambda(T) \frac{\partial T}{\partial y} \right) = -q(T) - c(T)\rho \frac{\partial T}{\partial t}; \quad (16)$$

$$\frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left( \lambda(T)r \frac{\partial T}{\partial r} \right) + \frac{\partial}{\partial z} \left( \lambda(T) \frac{\partial T}{\partial z} \right) = -q(T) - c(T)\rho \frac{\partial T}{\partial t}, \quad (17)$$


бу ерда:  $T$  – харорат,  $t$  – вақт;  $\lambda(x,y,z,r)$  – иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси коэффициентининг ташкил этувчилари;  $\lambda(T)$  – иссиқлик ўтказувчанликнинг ҳароратга боғлиқлиги;  $q$  – иссиқлик ўтказувчанликни солиштирма қуввати;  $c(T)$  – ҳароратга боғлиқ бўлган солиштирма иссиқлик ҳажми;  $\rho$  – материал зичлиги.

Харорат майдони ҳар доим трансляцион ёки ўқли симметрияга эга бўлган геометрияни ифодалаш билан бошланади (15-расм).


16- ва 17-расмларда геометрик моделни дискретизациялаш учун ҳисоблаш соҳаси берилган.



14-расм. Уюрмали камерадаги статик ва тўлик сингувчанлигининг ўзгариши




15-расм. Ҳисоблаш соҳасининг геометрияси



а) оптимал элементлар сони билан доменларга бўлиш; б) доменларни учбурчакка ажратилиши ва тўр билан тўлдирилиши

**16-расм. Ҳисоблаш соҳасини дискретизациялаш**



**17-расм. Кавитацион қувурдаги ҳароратни тақсимланиши**

Айланаётган майдонида токни ва кучланишни тақсимланиши олинган:

$$\delta = p\dot{H}_0 \frac{chp(a-z)}{shpa};$$


$$\dot{H} = \dot{H}_0 \frac{shp(a-z)}{shpa}, \quad (18)$$

бу ерда:  $p = \sqrt{\mu\mu_0\gamma\omega e^{j45^\circ}}$ ;  $\dot{H}_0 = Iw/l - z = 0$  нуқтадаги майдоннинг кучланиши.

Олинган тавсифлар шундан далолат берадики, айланаётган сув оқимида электр куч чизиклари тўпланеди, унда майдон сув оқимининг йўналишига перпендикуляр йўналишга эгадир.

**«Кавитация асосида энергия тежовчи қурилмаларини амалиётга қўллаш»** номли тўртинчи бобда, кавитацион жараёнлар асосида суюқликдан иссиқликни ажратиш усули ва сувни тозалаш, зарарсизлантириш ва кавитацион иссиқлик генераторининг қурилмаси ишлаб чиқилган.

18-расмда кавитацион иссиқлик генераторининг қурилмаси келтирилган.



- 1 – кенгайтириш баки; 2 – сувни айлантириш учун қувур; 3 – тўр; 4 – тормоз қурилмаси;
- 5 – байпас линияси; 6 – бошқариладиган дроссел; 7 – механик кавитатор;
- 8 – қискарувчи сопло; 9 – уюрма қувури;
- 10 – диафрагма; 11 – байпасли қувур ўтказгич;
- 12 – конфузур ўрнатгич; 13 – диффузор ўрнатгич; 14 – шайба; 15 – кавитация пластинаси; 16 – илонсимон иссиқлик ўзгартиргич; 17 – марказий насос;
- 18 – ташқи иссиқлик истеъмолчи;
- 19 – ҳаво крани;
- 20 – электр магнит кавитатори

**18-расм. Кавитацион генератор қурилмаси**

19-расмда иссиқлик генераторининг саноатдаги ускуна расми келтирилган.


20-расм кавитация асосида сувни ва зарарсизлантириш учун ишлаб чиқилган қурилмасини фотосурати, саноат ускунасининг чизмаси эса 21-расмда келтирилган.



**19-расм. Кавитацион иссиқлик генераторининг кўриниши**



**20-расм. Саноат ускунасининг кўриниши**



1 – сув ўтказувчи магистрал; 2 – горизонтал ўрнатилган қувур; 3 – қисқариб борувчи диафрагма; 4 – фланцлар; 5 – импульсли линия; 6 – дифманометр; 7 – Пи-тўғирлагичли иккиламчи ускуна; 8 – бажарувчи клапан; 9 – соленоид ғалтаклари; 10 – ғалтаклар ўрамлари; 11 – чиқиш клеммалари; 12 – ғалтаклар; 13 – трансформатор; 14 – бошқарув блоки; 15 – паст частотали генератор; 16 – газ чиқарувчи камера; 17 – қия четлатиш; 18 – гидравлик беркитгич; 19 – мис ўзак.

**21-расм. Кавитация асосида сувни тозалаш ва зарарсизлантириш қурилмаси**

1-жадвалда сув молекулаларини буриш ва кавитациядан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган ва мавжуд иссиқлик генераторларининг таҳлили келтирилган.


1-жадвал

Сув молекулаларининг кавитацияси асосида ишлаб чиқилган ва чиқарилаётган иссиқлик генераторларининг кўрсаткичлари

Раҳбарлар	Фирмалар	Куввати, кВт	Иссиқлик самарадорлиги
Потапов Ю.С.	«Юсмар»	2,7÷65	1,2÷1,55
Потапов Ю.С.	«Энергоресурс»	18÷78	2,2÷8,8
Осипенко С.Б	«Текмаш»	2÷4	0,98
Дж. Григс	«Гидр.помпа»	2÷3	1,3÷1,8
Курносоев Н.Е.	«Темовихрь»	3÷3,8	1,5
Павловский П.Я.	«Энергоресурс»	7,5	2,38
Осаул А.И.	«Элита-Фонд»	5	1,3÷1,7
Скорлыгин В.	«Урал – СВ»	15	1,4
Перкинс Ю.	«Hydrodynamichs»	3,4÷4,6	1,64÷7
Мартыненко С.А.	«Термер»	400	0,96
Глухов Н.	«ВВТ ТГШ-11»	7,8÷8,6	1,44÷2,95
Колесник В.Г	«Энергоресурс»	-	1
Разработанное устройство	ТашИИТ	7,5÷100	2,38÷2,79

Энергия ва ресурс тежамкор технологиялар асосида Ўзбекистоннинг қуруқ ҳудудларида фермер хўжаликларини инновацион ривожлантириш таклиф қилинган.

22-расмда фермер хўжалигининг тузилмавий схемаси келтирилган.




22-расм. Инновацион фермер хўжалигининг тузилмавий схемаси

Иссиқликни таъминлаш кавитацион иссиқлик генераторидан ташкил топган бўлиб, у механик кавитаторлар, уюрма қувири, каверн сонини кўпайтирувчи электр магнит, насос ва назорат қурилмаси ҳамда ёрдамчи қурилмалардан иборат.



23-расмда хонадонни иситиш тизими чизмаси келтирилган.




1 – металлополимер қувур; 2 – шарли кран; 3 – тўғри нуктали паррак; 4 – иситиш учун мембран баки; 5 – циркуляция насоси; 6 – тескари клапан; 7 – иссиқлик ҳимояси; 8 – биметаллик секцион радиатор; 9 – қўл ёрдамида ростловчи қопқок; 10 – тўғирловчи қопқок; 11 – радиатор ёпқичи; 12 – қўл ёрдамида хавони четлаштирувчи;


**23-расм. Хонадонни иситиш тизимининг чизмаси**

Хонадонларни иситиш учун Ер энергиясини қўллаш таклиф қилинган. Берилган технология 1 кВт электр энергиясидан 3...7 кВт иссиқлик энергиясини олиш, имконини беради. Бундай жараён иссиқлик энергиясини кўпайтирувчи иссиқлик насос ишлари билан боғлиқ, яъни улар Ер иссиқлик энергиясини кўпайтиради

24-расмда Ернинг потенциал энергиясини қўллаш чизмаси келтирилган.



**24-расм. Иссиқлик тизимларида ер энергиясини қўллаш**




1 – иссиқлик генератор; 2 – сувли электронасос; 3 – байпасли линия; 4 – сув билан иситиладиган радиаторлар; 5 – дроссель; 6 – сув етказиб берувчи магистрал; 7 – паст босимли эжектор.

**25- расм. Йўловчи поезд вагонини иситиш тизими**

Ишлаб чиқилган уюрма иссиқлик генератор тизимини йўловчи поезд вагонларини иситиш учун қўллаш мумкин. 25-расмда ушбу иситиш тизиминининг чизмаси кўрсатилган.

